



Совет ҳукуматининг раҳбарлари В. Ленин ва И. Сталин имзолаган «Русия ва Шаркнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» махсус мурожаатномасидан: «Бундан буён сизларнинг урф-одатларингиз, сизларнинг миллий ва маданий мутахассисларингиз озод ва дахлсиз, деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётларингизни эркин ва бемалол уюштириб бeringиз. Сизларнинг бунга ҳаққингиз бор. Ўзларингиз ўз ватанингизнинг ҳокимлари бўлишингиз лозим. Ўз расм-русумингизга биноан ҳаётингизни уюштиришингиз лозим. Сизнинг бунга ҳаққингиз бор, чунки сизларнинг тақдирингиз – ўзингизнинг қўлингизда» (1917 йил 20 ноябр).

Орадан роппа-роса бир ҳафта ўтиб, 1917 йил 26-29 ноябрида Туркистон ўлка мусулмонларининг Қўконда бўлиб ўтган тўртинчи ғавқулдда қурултойида Туркистон муваққат ҳукумати (Қўкон Мухторияти) тузилди. Туркистон халқининг қонуний ҳукумати бўлган Қўкон Мухторияти орадан қўп ўтмай Колесовга бўйсунган «кизил гвардиячилар» ва миллатчи арман дашноқлари томонидан ағдарилди, унинг ўн беш раҳбари отиб ташланди, қолганлари қамолга олинди. Қўконда тинч аҳолига қарши талон-тарож, номусга тегиш, қирғин бошланди. (Бўрибой Аҳмедов, «Тарихдан сабоқлар», Тошкент, 1994 йил).